

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 18 июнь, № 127 (8189)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЭЪТИБОРДА



Президент Шавкат Мирзиёев 17 июнь кuni Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари бу муассасанинг эски биносини ўтган йили 14 майда бориб кўрган эди. У пайтда шифохона Республика гематология маркази бўлиб, катталарга ҳам, болаларга ҳам бир жойда хизмат кўрсатиларди. Дори таъминоти етарли бўлмагани, химия терапия усуллари йўлга қўйилмагани сабабли даволаниш самарадорлиги 30 фоиздан ошмасди.

Шундан сўнг бу ерда кўрилганлар, ота-оналар ва мутахассислар билан мулоқотлар асосида Президентимиз 2021 йил 27 май кuni "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди. Унга мувофиқ болалар гематологияси ва онкологияси соҳаси катталар шифонасидан ажратилиб, алоҳида марказга айлантирилди. Бу муассаса учун Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги Арнасой кўчасида қурилган янги бино берилди ва жорий йил январдан иш бошлади.

Янги марказда ўринлар сони олдинги 85 тадан 160 гага етказилган. Бемор бола ва унинг ота-онаси учун алоҳида шарт-шароитлар яратилган. Бугунги кунда 101 нафар бола даво-ланмоқда. 130 дан ортиқ шифокорлар, жумладан, 38 нафар илмий ходим ва юзлаб ҳамширалар уларга қалб кўрини бағишлаётди.

Дори воситалари билан таъминлаш да-ражаси ҳам оширилди. Масалан, 2016 йил-да бунинг учун 2 миллиард 800 миллион сўм маблаг ажратилган бўлса, ҳозир бу миқдор қарийб 60 баравар оширилиб, 170 миллиард сўмга етди. 91 турдаги онкогематологик дори воситалари давлат ҳисобидан бепул берилмоқда.

ди. Илгари бунинг учун намуналар Ҳиндистон, Туркия, Россия каби давлатларга текшириш учун юборилар эди. Болаларнинг даволаниши билан бирга, таълим-тарбияси ҳам эътиборда. Бу ерда "Замин" фонди томонидан 40 ўринли мактаб ва 30 ўринли боғча ташкил этилган. "Меҳри мактаб" ва "Илк қадам" номли ушбу гушаларда болалар билим олиб, қизиқарли машғулотларни ўрганмоқда. Президентимиз марказда даволанаётган болалар ва уларнинг оналарига дағда берди.

— Ёнингизга яна келишдан мақсадим — сизларга куч бериш, умидни икки қарра кўпайтириш. Бу ҳаммамизга синов. Биз давлат бўлиб, ақлимизни, кучимизни ишга солиб, бу касалликларни енгишимиз керак. Ота-оналарга кўмак бериб, болаларнинг дардига малҳам бўлиб, уларни соғайтиришимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз болаларнинг орзу-истакларини қўллаб-қувватлади, тезроқ соғайиб, яхши ўқишларини тилади.

Шу ерда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини кенгайтириш режалари тўғрисида маълумот берилди. Унга кўра, гематопатик ўзақ хужайраларини аллоген ва аутологик трансплантация қилиш учун 2 та асептик бино, ҳудудлардан узоқ муқдатга келадиганлар учун 200 ўринли хостел барпо этилади. Йил якунига марказга яна 67 турдаги жиҳозлар келтирилади.

— Бу соҳа юртимизда янги тизим. Энди уни ҳудудий шифоналардаги шундай бўлимлар билан боғлаб, касалликларни эрта аниқлаш зарур. Қуйи поғонада скринингни кенгайтириб, "касалликдан олдин юриш" керак, — деди Президент.

Ушбу марказ негизда илмий ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

— Бинода шароит бор, муваффақият йўқ. Муваффақият илмда! Шунинг учун бу ер касаллик омилларидан тортиб, самарали даволаш услубларига ўрганиш бўйича илмий марказ бўлиши керак. Виллотлардаги тиббиёт ходимлари келиб, малака оширсин, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу соҳа юксак ривожланган Германия тажрибаси асосида даволаш протоколлари янгилан, мутахассислар жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимизнинг Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказига ташириш чоғида оналик ва болаликни химоя қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мамлакатимиз аҳолисининг 20 миллионини болалар ва туғиш ёшдаги аёллар ташкил этади. Уларнинг саломатлигини алоҳида эътиборга олиш мақсадида шу

йилдан барча туман ва шаҳарлардаги кўп тармоқли поликлиникаларда болалар бўлими ташкил этилди. Туну кун ишлайдиган педиатр шошилинч постлари ва болалар реанимация бўлимлари қайта тикланди.

Туғуруқ комплекси ва перинатал марказлар, аёллар маслаҳатхоналари томонидан йилга 850 миң нафар ҳомиладорга малакали тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Барча марказий поликлиникаларда "Онко-назорат" хоналари ташкил этилиб, 35 ёшдан ошган аёллар ҳар йили скрининг текширувидан ўтказилмоқда. Бу аёлларда саратон касалликларини эрта аниқлаш имкониятини 10 баробар оширди.

Бу ишлар натижасида сўнгги йилда оналар ўлими интенсив кўрсаткичи 21 дан 15 га, гўдақлар ўлими 11 дан 8 га камайган. Лекин битта шундай ҳолат ҳам жамиятимиз учун қатта фожа.

Шу боис йиғилишда оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш масалалари муҳоама қилинди.

Бугунги кунда республикамиз бўйича атиги 16 та шифохонада асоратли ҳомиладорликка ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилмоқда. Шу боис 46 та туман ва шаҳардаги туғуруқ мажмуаларида зарур шароитлар яратиб, туманлароқ перинатал марказга айлантирилиши қайд этилди. Ҳар бир поликлиникада ташкил этилган 17 мингта тиббий бригада учун малакали доялар тайёрлаб, фаолиятини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди.

Бу йил Тошкент шаҳридаги 15 та туғуруқхонада чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини текшириш бошланди. Мутахассисларни ўқитиб ва махсус ускуналар харид қилиб, келгуси йилдан барча туғуруқхоналарда жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда туғиш ёшдаги аёллар соғлиғига — Репродуктив саломатлик маркази, ҳомиладаги нуқсонларни аниқлашга — Скрининг маркази, фарзанд кўриш жараёнига — Акушерлик ва гинекология маркази масъул ҳисобланади.

Уларнинг ҳудудий филиалларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишламагани сабабли аёллар сарсон бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари маъруз 3 та муассасани бириктириб, янги марказ ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Бу янги марказ инновацион технологиялар асосида репродуктив саломатлигини тиббий-биологик муаммоларини ҳал этиш, туғма ногиронликнинг олдини олиш бўйича генетик тадқиқотлар олиб бориш, беҳатар оналикни таъминлаш каби жуда муҳим вазифаларга ихтисослаштирилди.

Йиғилишда соҳа мутахассислари, шифокорлар, ҳокимлар сўзга чиқиб тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Виллот ҳокимлари онкология ва гематология хизматларини ривожлантириш, оналик ва болаликни химоя қилиш чоралари бўйича ҳудуд халқига муурожаат қилиши белгиланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Биз ва жаҳон

УЧРАШУВ ВА МУЗОКАРАЛАР ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Авал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Америка Қўшма Штатларида бўлиб, икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган турли тадбирларда иштирок этмоқда, расмий ва ишбилармон доиралар, жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва музокаралар ўтказмоқда. Бу эса мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шерикликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Конгресс кутубхонасига маданий меросимиз ҳақидаги китоблар жамламаси топширилди

Ташриф давомида мероси дунё тўпламларида лойиҳаси доирасидаги китоблар жамламасини топширди.



Халқаро конференция

ШҲТ: Марказий Осиёдан Евроосиёгача

Кеча Тошкентдаги Марказий Осиё халқаро институтида "Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: Марказий Осиёдан Евроосиёгача" мавзuida ШҲТ Хартиясининг 20 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Марказий Осиё халқаро институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро анжуманда ШҲТга аъзо давлатлар Миллий координаторлари, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси котибияти ва Ижроия қўмитаси ходимлари, Марказий Осиё давлатлари, Россия, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Беларусь, Озарбайжон таҳлил тузилмаларининг етакчи экспертлари ҳамда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этди.



«Халқ сўзи» учун махсус

«МУҲИМИ — ХАЛҚЛАРИМИЗ БИР-БИРИ ҲАҚИДА КўПРОҚ БИЛИШСИН, БИР-БИРЛАРИ БИЛАН ФАОЛ МУЛОҚОТ ҚИЛИШСИН»

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида "Ўзбекистон ҳам, Озарбайжон ҳам буюк фарзандлари шарафланган юртлардир" сарлавҳаси остида чоп этилган таниқли давлат ва жамоат арбоби, республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси раиси, академик Оқил Салимовнинг "Дунё" АА муҳбирига берган интервьюси икки мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари ўртасида кенг акс садо берди.

Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги элчиси:

— Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларнинг тарихий илдизларига бағишлаб "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган интервьюни катта қизиқиш билан

ўқидим. Унда Озарбайжон халқининг буюк ўғлини Хайдар Алиевнинг ўзбек халқига юксак ҳурмати таъкидланган.

Қардош ўзбек халқи Хайдар Алиев хотирасига бундай ҳурмат билан муносабатда бўлишини биз Озарбайжонда юксак қадрлаймиз.



27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni

МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА ТАРАҚҚИЁТИ

нафақат сўз эркинлиги таъминланиши, балки уни теран ҳис этадиган ва бундан унумли фойдалана биладиган кадрларга ҳам боғлиқ

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор Шерзодхон ҚУДРАТХҲА билан сўхбат.

— Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Президентимизнинг 2018 йил 24 майдаги қарори билан ташкил этилган эди. Олийгоҳга тамал тоши қўйилган кунни қандай хотирлайсиз?

— Бу барчамиз учун ниҳоятда қувончли кун эди. Зотан, давлатимиз раҳбарининг мазкур тарихий қарори билан нафақат янги университет дунёга келди, балки миллий журналистикамиз истиқболи учун янги ўфқлар

очилди. Янгиланаётган Ўзбекистонга мос янгича фикрлайдиган, ислохотлар шиддатини ва бугунги кун талабларини чуқур ҳис этадиган, ҳар томонлама билимли янги авлод кадрларини тайёрлаш имконияти пайдо бўлди.

Сўзларим қуруқ маҳобат бўлиб қолмаслиги учун айтмай: ёши улурок инсонлар яхши билади — 2018 йилгача журналистика соҳасига ихтисослаштирилган олийгоҳ Марказий Осиёда ҳам, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстли-

35 МИНГДАН Ортиқ ТАКЛИФЛАРДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА?

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Жараён

Конституциявий комиссия аъзолари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни олиш, уларни кўриб чиқиш юзасидан қилинган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислохотлар халқимизнинг хоҳиш-истаги, эзгу мақсадлари ифодаси, демократик ислохотларнинг мантйқий давомидир. Шу боис ҳам

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, Олий Мажлис палаталари ҳузуридаги Ёшлар парламентлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Қамалак" болалар ташкилоти фаоллар, Жамоат хавфсизлиги университети, Фанлар академияси таркибидagi тадқиқот институтлари, Бош прокуратура Академияси, Судьялар олий мактаби сингари муассасалар Конституциявий комиссияга жамоавий таклифлар юборишда етакчилик қилмоқда.

Йиғилишда Конституциявий комиссиянинг Таклифлар билан ишлаш гуруҳига қилиб тушган ва сараланган ҳамда Йил-ма ахборот-таҳлил гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилган навбатдаги таклифлар атрофида муҳо-



торияларда ўтирган талабаларга ноқулайлик туғдирар, одам мияси илм ўрганиш учун эмас, ўша "ифор"ни ҳидламлиқ учун меҳнат қиларди. Бу собиқ иттифоқ даврида ҳам, ундан кейинги пайларда ҳам журналистика соҳасига декоратив ва имитатив тус берилганини кўрсатади.

Факультетдаги шароитлар ҳам ҳаминқадар, соҳага бўлган эътиборга ҳам оҳанг эди, десам, хато бўлмас. Амалиёт ўташ, тажриба орттириш учун на бир телестудия, на бир радиостудиямиз бўларди. Талабанинг реал журналистикага кириши учун керакли шароитлар йўқ эди ҳисоб.



МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА ТАРАҚҚИЁТИ

нафақат сўз эркинлиги таъминланиши, балки уни теран ҳис этадиган ва бундан унумли фойдалана биладиган кадрларга ҳам боғлиқ



Таассуфки, биз мана шундай воқелик билан яшаб келдик. Натижада журналистикада кадрлар танқислиги юзага келди. Кўпчилик, асосан, малакали мутахассислар бу соҳадан қочиш кетди. Устига-устак, журналистикада қалами ўткир, тили аниқ одамлар керак бўлмади. Сўз эркинлиги анқоринг уруғига айланди.

Нихот 2016 йилдан бошлаб ҳаётнинг барча жабҳасини қамраб олган янгилашлар шабдади журналистика соҳасида ҳам эса бошланди. Бу шундай насим эдики, у ҳаётни мусафо ҳавога, ҳуш ифторларга тўлдириб юрди. Уша йили Президент сайловидида мулқалға баҳо қозонган Шавкат Мирзиёевнинг сайловидида кампанияси даврида оммавий ахборот воситаларига берилган эркинлик ҳаммаиз унун катта мотивация берди ва миллий журналистикада муболагасиз мулқо янги босқинга олиб чиқди.

Миллий медиамайдондаги ислохотлар мевази сифатида Президент қарори билан мулқо янги, замонавий, инновацион Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети очилди. Лекин янги университет ташкил этилгани билан бошқа турдош олий ўқув юрталаридаги журналистика факультетлари ёпилиб кетмади.

Бугун журналист кадрлар тайёрлашда университетлар орасида соғлом рақобат бор. Илгари бир қаватта зўрга сиғиштирилган журналистика таълим маскани бугун осмонулар биноларга эга, шохона маконда фаолият олиб бормоқда.

— 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунги яқинлашиб келмоқда. Бундай касб байрамлари ўша соҳа вакилини ўз фаолиятини сарҳисоб қилишга ундаши тайин. Шу маънода, университет ташкил этилганидан бундан ўтган тўрт йил вақт мобайнида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.



— Университет ташкил этилган йилда, яъни 2018/2019 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишида 100 нафар (кундузги), 50 нафар (сиртки) ҳамда магистратура йўналишида 30 нафар, жами 180 нафар талаба қабул қилинди. Жорий ўқув йилида университет талабалари сони 2 минг 590 нафарга етди. 2022/2023 ўқув йилида эса яна 1 минг 500 нафар талаба учун қабул квотаси ажратилди. Университет иш бошлаган ўқув йилидан эътиборан бакалаврият таълим йўналишларида:

Босма ОАВ журналистикаси, Теле-радио журналистикаси, Халқаро журналистика, Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар йўналиши, Спорт журналистикаси, Ҳарбий журналистика, Интернет журналистика, Дизайн (Медиадизайн), Маркетинг (Медиамаркетинг ва реклама), Сийёсатушнослик.

Магистратурада:
Ноширлик иши ва муҳаррирлик, Босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси, Сийёсий-ҳуқуқий журналистика, Интернет журналистика, Спорт журналистикаси, Спорт тадбирларини шарҳлови, Олий журналистика курслари, Халқаро журналистика, Телевидение ва радиотелерадиотехника, Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар, Менежмент (Медиаменежмент), PR менежмент ва PR таҳлил мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Хушхабар, кунни кеча Президентимизнинг "Давлат олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш жараёнини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тасдиқланди. Бизга мулқо янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун қабул квоталари ажратилди. Бакалаврият таълим йўналишларида:

ART (Саъят) журналистикаси, TRAVEL (Саъят) журналистикаси, Иқтисодий журналистика, Халқаро муносабатлар, Психология, Социология, Менежмент (Медиаменежмент).

Магистратурада:
Амалий сийёсатушнослик, Халқаро муносабатлар ва жаҳон сийёсати, Ҳарбий журналистика, Маркетинг (Медиа-маркетинг ва реклама), Дизайн (Медиадизайн) каби янги мутахассисликлар очилди.

Мамнуният билан шуни айтаманки, бугунги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети:

тетиди нафақат журналистикага оид бўлган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар мавжуд, балки ижтимоий-гуманитар соҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Биз ўтган тўрт йил мобайнида катта доволарни олиб ўтдик, десак, муболага эмас. Шу қисқа давр ичида олий таълим даргоҳимиз хозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёти, бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалалар чуқур ўрганиладиган, бу борада илмий ишлар ва ижодий тадқиқотлар олиб бориладиган, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрланадиган маконга айланди.

Тўғриси айтсак, бу жараён осон кечгани йўқ. Аввало, талабалар учун зарур шароитларни яратишимиз талаб этиларди. Янги университет қурилиши учун шаҳар марказидан бино танлаб олинди. Жойлашув ҳақиқатан кулай эди. Олийгоҳнинг қад ростлашида фақатгина Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги эмас, балки бошқа ҳамкасбларимиз, йирик ташкилотлар, ҳомийлар амалий ёрдам кўрсатди.

Талабани яхши ўқитиш учун яхши ўқитувчи керак. Шу боис педагоглар жамоасини шакллантиришда ўзига хос йўлдан бордик. Университетга илмий даражаси бўлмаган ҳам, лекин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, умуман, ҳаётий тажрибага эга инсонларни тақлиф қилдик. Улар ўз касбини пухта ўрганган, жонаҳон Ватанимизни севадиди, ҳақиқат ва адолатни қадрлайдиган ёш мутахассисларни тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Донишманд халқимиз "Ҳар қандай оғирликдан сўнг бир енгиллик бор", дея бежиз айтмаган. Бу сўзларда нақадар теран ҳикмат муқассам эканини фаолиятимиз давомида яна бир бор англадик. 2020 йилда глобал пандемия бошланди. Энди ўз эшигини очган университет талабалари масофадан туриб, дарсларда қатнашди. Шу билан бирга, ташкил этилганига кўп муддат ўтмаган университетнинг ресурслари ҳам чекланган эди. Лекин биз таълим бўлмадик. Айнан энг оғир шароитда, пандемия авжига чиққанда университетимизнинг янги 8 қаватли ўқув биноси қад ростланди. Замонавий, инновацион радиостудия, телестудия барпо этилди. 310 нафар талабага мўлжалланган 8 қаватли талабалар тураржойи — "My sweet home" маскани қурилди. Бугун профессор-ўқитувчию талабаларимиз томонидан қўлга киритилган ютуқлар заминада ана шу чекланган заҳматлар ва уларни енгиб ўтган кучли ирода, мустаҳкам қатъият ва матонат, машаққатли меҳнат ётибди, десак, адашмаймиз.

— **Хар жихатдан профессионал, фидойи ва замон талабаларига мос кадрларни тайёрлашда қайси ўзига хос мезонларга таянмоқда?**

— Бугунги глобаллашув асри журналистлар олдига ҳам кўпбал талабалар кўймоқда. Шиддатли суръатларда кечётган воқеа-ҳодисалар ахборот олиш ва уни тарқатишда журналистдан катта билим, гайрат-шижоат, ҳозиржавоблик, тезкорлик ва замонавий коммуникация технологияларида маҳорат билан фойдаланиш кўникмасини талаб этмоқда.

Мураккаблик шундан иборатки, ахборот бугун бунёдкорликка ҳам, вайронкорликка ҳам хизмат қиладиган воситага — "юшмоқ" кучга айланган улгурган.

Дунё манзарасига теран назар солсак, улғур бобомиз Алишер Навоийнинг "Агар огоҳсен сен — шохсен сен", деган ҳикмати ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини англаймиз.

Хозирги кунда хар қандай мамлакат тараққиёти, келажиги унинг ахборотлашганлик даражасига, аҳолининг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги қай даражада таъминлангани ҳамда бунга шарт-шароит яратилганига боғлиқ бўлиб қолди. Шу боис бугун учинчи Ренессанс пойдеворини тиклаш йўлида дадил интилаётган мамлакатимизга дунё манзарасини, воқеалар панорамасини чуқур ҳис этадиган, миллий ахборот сийёсатини теран тушунган, ҳаётга очқур кўз билан қарайдиган журналист кадрлар ниҳоятда зарур.



Ушбу мезондан келиб чиқиб, талабаларни журналистиканинг замонавий тенденциялари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу борада кўпбал нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Мисол учун университетда Германиянинг дунёга машҳур "Deutschwelle Academy" билан радиостудия, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA) билан телестудия ташкил этилди. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ва Хитойнинг "Huawei" компанияси кўмагида замонавий фотолаборатория ҳамда қоворқинг маркази фаолият бошлади. Шунингдек, университетимиз худудиди 3 та "Open Air" майдончаси, талабалар пресс-клуби мавжуд. Булар нафақат талабаларга ўқиш давомида амалий ўрганиш имкониятини яратяпти, балки талабаларимиз шу ердан "O'zbekiston", "O'zbekiston 24", "Yoshlar", "Sevimli", "Mening yurtim", "UzReport", "ZO'R TV" ва "Renessans TV" телеканаллари контентиини бойитиб, жонли эфирларга ҳам чиқмоқда.

Олий ўқув юртимиз АКШ, Туркия, Жаҳоний Корея, Латвия, Литва, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозғоғистон, Қирғизистоннинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мана, уч йилдикки, университетда сийёсатушнослик йўналиши очилган. Минтақашуносликдан дарслар берилмоқда. Талабаларимизга 8 та хоржий тил иккинчи тил сифатида ўргатишмоқда.

Назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида талабаларни матбуот, телевидение, радио таҳририятларига амалиёт ўташга юборяпмиз. Ушбу даргоҳларда соҳага қадам қўётган ёшлар журналистик материаллар тайёрлашга жонли гувоҳ бўлмоқда, бунинг машаққатини чекиб, завларини, масъулиятини ҳис этмоқда.

— **Муайян вақт Халқаро пресс-клуб раиси сифатида фаолият юритдингиз. Мазкур платформа миллий журналистика ривожига таъсир кўрсата олдимми?**

— Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро пресс-клуб миллий журналистикани янги ҳаво бўлиб қилиб келди. Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки

даврлариданоқ илгари сурган халқ билан мулоқот тамойилини ҳаётга татбиқ этишнинг амалий ифодаси сифатида одамларни қийнаб келаятган турли соҳалардаги муаммоларга кенг жамоатчилик ва мута-сиддилар эътиборини қарата олди. Ушбу платформа воситасида оддий халқ вакиллари, журналистлар, барча даражадаги бошқарув идоралари раҳбарлари жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалаларни эркин мулоқот асосида кенг муҳокама этиш яқши анъаналарга айланди. Бу Ўзбекистонда олиб борилаётган очиклик, ошқоралик ва демократик сийёсатнинг бир ифодаси сифатида мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборига ҳам ижобий таъсир этди.

Халқаро пресс-клубнинг яна бир ютуғи унинг жонли эфирда узатилишидир. Мазкур лойиҳа миллий журналистикани давомда узоқ йиллар давомида муз каби қотиб қолган тушуна ва қарашларни, эски қопилларни парчалади. Зеро, ўша пайтлар Ўзбекистон телеканалларидаги ахборот дастурлари ҳам ёзиб олинарди. Сўнг уни бир неча цензорлар кўриб чиқиши керак бўларди. Узоқ давом этган муҳокама ва "қайчилаш"лардан кейингина кўрсатув эфирга узатиладди. Лекин унда на мазаси, на матраси ва на тузи қоларди.

2016 йилдан бошлаб Халқаро пресс-клубнинг жонли эфирлари медиа оламида ҳам ислохотлар бошланганидан дарак берди. Шаклан мен учун жонли эфирларнинг тикланиши журналистикага бўлган муҳаббатимни қайта "реанимация"дан чиқаришга сабабчи бўлди. Денгиз учун тўқилган, боғга эса шамол қанчаллик керак бўлса, журналист учун ҳам эркин ижод шунчаллик муҳим. Чўнки жонли эфир дегани, бу олдиндан режалаштирилган режиссура эмас. Уни "қайчилаш", назорат қилиш қийин. Одамлар жонли эфирларни шунинг учун ҳам севиб кўрадилар.

2016 — 2018 йилларда оммага танилган Халқаро пресс-клуб Мўиноқдан бўладими, Манасми, Олот ёки Қорақўлим ёхуд республикамизнинг энг чеҳра худудидан бўладими, юзлаб жонли эфирлар ташкил этди. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бўйлаб хизмат сафарларига чиқиб, юртимизнинг очилмаган қирраларини кашф қила олди. Халқимиз вазирларни, ҳокимларни, депутат ва сенаторларни, блогерларни Халқаро пресс-клубнинг кўрсатувлари орқали таний бошлади. Жонли эфирлар пайтида жамият олдида турган энг жумбоқли масалалар бўйича очикчасига гапиришни бошладик. Халқимиз бизда ҳам сўз эркинлиги борлиғига, Ўзбекистон ҳукумати фуқаролари учун қайғуриб, бюрократия, коррупция иллат-

лари билан фаол курашаётганлигига гувоҳ бўлди.

— **Соҳада катта тажрибага эга инсон сифатида миллий журналистиканинг бугунги тараққиётига қандай баҳо берасиз? Ютуғ ва муаммоларини нималардан иборат?**

— Давлат раҳбарининг алоҳида эътибори ва кўпбал-қувватли билан соҳада шу вақтга қадар мисли қўрилмаган кенг имкониятлар юзага келди. Журналистларнинг эркин ижод қилиши, мустақил сўз айтиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Кейинги йилларда соҳа равақида дастурийлаб бўладиган ўндан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Хусусан, "Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ бу соҳада энг тизим яратилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш мақсадида кўпбал вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замон талаблари асосида қайтадан, туман ва шаҳар ҳокимликларида эса биринчи марта ташкил этилди.

Журналистлар ҳам мамлакатимизда юзга келган хур тафаккур муҳити ва эркинликлардан унумли фойдаланиб, газета саҳифаларида, интернет сайтларида, радиотўқинларида халқимизни қийнаётган энг оғирлики муаммоларни дадил кўтариб чиқмоқда, уларга ечим изламоқда.

Шу ўринда соҳани ҳужун талабалари даражасига кўтариш учун ҳали қилинадиган ишлар кўп эканини ҳам таъкидламоқчиман. Демократик кадрларни, ўзганинг ҳақ-ҳуққини тўла ҳурмат қиладиган, давлат ва халқ ўртасида муносабатларни яратиб юлдида тинмай изланишимиз, интилишимиз лозим.

Бу борада оммавий ахборот воситаларини янада рағбатлантириш, айсикта, матбуот нашрларини кўпбал-қувватлашга алоҳида ҳаммуҳим кўрсатиш керак. Чўнки ижтимоий фикрни чарқлашда, бойишида босма нашрлар ўрнини ҳеч бир ОАВ босолмайди. Газеталар бир кунлик мўъжиза эса-да, тарих солномаси бўлиб узоқ вақт сақланади.

Дилшод ҚАРИМОВ (Халқ сўзи) суҳбатлашди.

НамМТИ талабалари Туркияда илмий изланишлар олиб боради

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик муносабатларида бошқа соҳалар каби олий таълимда ҳам ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Таълим

Яқинда Туркиянинг Измир шаҳрида Ўзбекистон — Туркия олий таълим муассасалари форуми бўлиб ўтди. Унда техник ҳамда муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлайдиган 20 дан ортик олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари ва вазирлик масъулларидан иборат Ўзбекистон делегацияси ва Туркиянинг 50 дан ортик олий ўқув юртлири вакиллари иштирок этди. Нуфузли форумда Наманган муҳандислик-технология институтини ректори Одиқлон Маматқаримов ҳам қатнашиб, бир қатор манфаатли шартномаларни имзолади.

Унга қўра, Туркиянинг 10 дан ортик етакчи олий таълим муассасалари айнан Наманган муҳандислик-технология

институтини билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳамкор олий таълим муассасаларининг барчаси дунёда тан олинган ўқув юртлири ҳисобланади.

Халқаро форумдаги келишувларнинг натижаси ўлароқ, айни кунларда Наманган муҳандислик-технология институтининг 14 нафар магистри Туркиянинг Газиосманпаша университетидида стажировка ўтмоқда. Мазкур стажировка давомида вакилларимиз учун йўналишлар ва мутахассисликлар кесимида лаборатория марказлари бўйлаб учрашувлар ташкил этилди. Университетнинг кимё-технология, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик сановати, муҳандислик, робототехника каби лаборатория марказларида тажрибалар ўтказишди, тенгдошлари билан мулоқотда бўлишди.

— Бу билим ва кўникмаларимизни янада мустаҳкамлаш учун ажойиб имкониятидир. — дейди НамМТИ магистранти Достонбек Мўхитдинов — Биз, бир гуруҳ ёш тадқиқотчилар турк олимлари билан илмий фаолият бўйича фикрлашяпмиз, тажриба алмашяпмиз.

Шунингдек, делегация аъзолари университет профессор-ўқитувчилари билан мулоқот ўтказиб, анжуманлар уюштириш, амалий ва фундаментал лойиҳаларда биргаликда иштирок этиш, ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш юзасидан қатор долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Тоқат вилоятда жойлашган Газиосманпаша университети раҳбарияти эса делегация таркибидидаги магистрантаримизни келаси йилдан бошлаб мазкур илм даргоҳида ишлаш ёки докторант сифатида илмий изланишлар олиб боришга тақлиф қилди.

Қудратилла НАҲМИДДИНОВ (Халқ сўзи).

Тошкент шаҳрида дўкон ва меҳмонхона томларида умумий овқатланиш шохобчаларининг очилиши муносабати билан

ПГС ишлаб чиқариш корхонаси кафе ва ресторанлар учун оловга хавфсиз, энергосафдор ҳамда ишончли экологик тоза мангал ва электр ўчоқларини тақлиф қилади. Атроф-муҳит ва саломатликка зиён етказмайдиган, тутунсиз, дудсиз, кўмир ва ўтинсиз овқат тайёрланг.

ИННОВАТСИОН КАНСЕРОГЕНСИЗ
EKO QOZON va MANGAL
tutunsiz oddiy va foydali

5 YIL BEPUL XIZMAT

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN Tel.: 71-279-38-54, 71-279-25-23. www.pgs.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 259 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотлари кўпбал олиш учун QR-қоднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎБЎЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДАН ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграффик ахдатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.12 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6